



ХАРАЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ

и.ф.н., доц. **Рафеев Даврон**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0008-8641-1949

davronrafeev@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада харажатлар ва уларнинг туркумланишига алоҳида эътибор қаратилган. Бу бошқарув ҳисобининг асосий вазифасини бажаришга имкон беради. Харажатлар уларнинг пайдо бўлиш жойлари ва жавобгарлик хўжалик марказлари буйича ҳисобга олиш энг муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон яратиши мисоллар ёрдамида асосланган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, харажат, мулк, давлат, ишлаб чиқариш, таннарх, рентабеллик, корхона даромади, молиявий ҳисоб, икки ёқлама ёзув.

ЗАТРАТЫ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ

к.э.н., доц. **Рафеев Даврон**

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. Данная статья посвящена затратам и их классификации. Она позволяет выполнять основную задачу управленческого учета. На примерах обосновывается тот факт, что учет затрат по месту их происхождения и центрам ответственности позволяет принимать важнейшие управленческие решения.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, себестоимость, имущество, государство, производство, затраты, рентабельность, доход предприятия, финансовый счет, двусторонняя запись.

COSTS AND THEIR CLASSIFICATION

PhD, assoc. prof. **Rafeev Davron**

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article focuses on costs and their classification. It addresses the fundamental task of management accounting. Examples substantiate the fact that accounting for costs by their origin and responsibility centers enables critical management decisions.

Keywords: accounting, cost, property, state, production, expenses, profitability, enterprise income, financial account, two-way entry.

Кириш.

Ҳозирги пайтда турли-туман мулк шакллари пайдо бўлмоқда, давлат мулки хусусийлаштирилмоқда, хиссадорлик жамиятлари ҳамкорлигидаги корхоналар, кичик корхоналар вужудга келмоқда. Шу каби жамиятимиздаги ўзгаришлар, фаолиятлар тубида бир мақсад турибди, бу – *фойда олиш*. Табиийки, ҳар бир корхона фойда олишни кўпайтириш йўллари излаб топишга ҳаракат қилади. Фойдани қандай бўлишига эса харажатлар ҳажми бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун харажатларни ҳисобга олиш ҳамда маҳсулот таннархини калькуляция қилиш корхона моддий ресурслари ва бошқа харажатлари устидан қандай назорат ўрнатишга ёрдам беради.

Адабиётлар шарҳи.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этиш масалалари хорижий олимлардан Абдрасулова (2005), Бургонова, Герасимова (1996), Каморджонова (1998) кабиларнинг, мамлакатимиздаги кўплаб олимларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда қуйидаги олимларнинг фикрлари муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз.

Абдуллаев ва Исмоиловлар (2001) хўжалик юритувчи субъектларни таснифлашда 2 та мезон, яъни (1) корхонанинг тармоқ ёки соҳага қарашлиги; (2) корхонада ишловчи (банд)лар сони олиниши лозимлиги эътироф этганлар. Улар, чунончи, корхоналарни тармоқ ёки соҳага қарашлигига кўра қуйидаги 5 та гуруҳга ажратганлар: 1. Саноат, қурилиш, транспорт; 2. Қишлоқ хўжалиги; 3. Улгуржи ва чакана савдо; 4. Хизмат кўрсатиш ва «сервис»; 5. Фан ва илмий хизмат.

Мусаев (2003) корхона ва ташкилотларни назорат субъекти сифатида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шакллarga ажратган: хусусий корхоналар; давлат корхоналари; ширкатлар; ижара корхоналари; қўшма корхоналар; акционерлик жамиятлари; масъулияти чекланган жамиятлар; деҳқон ва фермер хўжаликлари ва бошқалар.

Тошматов (2008) ўзининг “Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли” монографиясида корхоналарни бизнес, тадбиркорлик бирлиги сифатидаги таснифий асосларини бошқа олимлардан фарқли ўлароқ кенгроқ очиб берган.

Тадқиқот методологияси.

Янги Ўзбекистоннинг туризм соҳасини пандемиядан кейин қайта тикланиш даврида зарур бўлган туристик-меҳмонхона мажмуаларида фаолият турлари таннархини аниқлаш тартибини такомиллаштириш бўйича тадқиқот иши давомида кузатиш, қиёслаш, тизмили ва қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари деб, маҳсулотни ишлаб чиқариш била боғлиқ харажатларга айтилади. Уларга хом-ашё, материал, ёкилғи, амортизатсия ажратма ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлар киради. Агар бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг жам суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига тақсимласак ишлаб чиқарилган бир бирлик маҳсулотнинг таннархини топамиз.

Таннарх кўрсаткичи корхона фаолиятида муҳим сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. У канча паст бўлса, ишлаб чиқариш рентабеллиги шунча

юқори бўлади. Таннархга корхонанинг ҳамма харажатлари қўшилмайди, баъзи харажатлари бошқа манбалар ҳисобидан қопланади. Масалан, фойда ҳисобидан давр харажатлари қопланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари харажат калькуляциясияси моддалари бўйича ишлаб чиқариш турлари, харажатларнинг вужудга келиш жойлари, маҳсулот турлари бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Харажатларни ҳисобга олиш ҳамда маҳсулот таннархини калькуляция қилишдан асосий мақсад ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни ўз вақтида, тўлалигича ва ҳаққоний аниқлаш, шу билан бирга айрим маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблашиш ҳамда корхона ресурслари ва пул маблағларини ишлатилиши устидан назоратни ўрнатишдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ислоҳотини амалга ошириш энг асосий масалалар бўйича ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Аввал 1992 йилда кейинчалик 1999 йилда «Маҳсулот(ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш **харажатлари** таркиби уамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»**ги Низомниг** қабул қилиниши мамлакатимиз бухгалтерия ҳисобида тубдан ўзгариш бўлишига сабаб булди. Ушбу Низом харажатларнинг моҳияти, корхонанинг ҳисобот давридаги фойдаси билан боғлиқлигидан келиб чиқиб тақсимлашни белгилаб берди. Бундай тақсимлаш бозор иктасодиёти хусусиятларидан келиб чиқади ва у бизнинг бухгалтерия ҳисоби тизимимизни халқаро миқёсда қўлланилаётган «Директ-костинг» ҳисоб тизимига анча яқинлаштирди. Харажатлар ҳисобининг айнан шу тизимга яқинлаштирилиши бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби бажариши керак бўлган вазифалардан келиб чиқди. Маълумки, бозор муносабатлари шароитида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси тегишли фойдаланувчиларни тегишли ахборот билан таъминлашдир. Фойдаланувчиларни ички ва ташқи гуруҳга бўлиниши эса бухгалтерия ҳисобининг молиявий ҳамда бошқарув ҳисобига бўлинишига олиб келади. Харажатлар ҳақидаги маълумотлар, биринчи навбатда, корхона фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлаш учун зарурдир, яъни:

Маҳсулот сотишдан тушган тушум - Харажатлар = Фойда

Бундай ахборот кредитор, инвестор, банк, солиқ инспекцияси каби ташкилотлар учун муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, корхонанинг даромад (фойда) солиғини харажатлар ҳақидаги ахборотсиз ҳисоблашиш мумкин эмас. Корхона ва уни бошқариш нуқтаи назаридан эса харажатларнинг умумий суммаси, алоҳида ишлаб чиқариш бўлинмаларининг унумли ҳамда унумсиз харажатлари ва бошқалар ҳақидаги ахборотлар йиғишни талаб этади. Шундай қилиб, харажатларни ҳисобга олиш ҳам молиявий ҳисобининг, ҳам бошқарув ҳисобининг энг муҳим қисмларидан биридир.

Молиявий ҳисобининг асосий вазифаси фойдаланувчиларни корхона фаолиятининг молиявий натижалари, унинг молиявий ҳолати, хусусан, мулкӣ ҳолати ҳамда тўлов қобилияти ҳақидаги ахборот билан таъминлашдир. Демак бу жиҳатдан, харажатлар ҳисоби олдида қуйидаги вазифалар туради:

- корхона фаолияти билан боғлиқ барча харажатларни ўз вақтида тўлалигича ҳисобга олиш;

- харажатлар ҳақидаги маълумотларни алоҳида ҳисобварақаларида ҳамда ҳисобот шаклларида тўғри акс эттириш ва солиқларни ҳисоблашиш учун етарли даражадаги ишончли маълумотлар билан таъминлаш.

Бу вазифаларни бажариш учун харажатларни молиявий ҳисоб тамойиллари, хусусан, икки ёқлама ёзув асосида ҳисобга олиш етарлидир. Бошқарувнинг энг асосий хусусияти эса унинг маълумотлари бошқарув учун фойдалилигидир. Жумладан, бошқарув ҳисоби харажатлар ҳақида шундай батафсил маълумотларни бериши керакки, токи унинг асосида энг тўғри бошқарув қарорлари қабул қилишнинг имконияти пайдо бўлсин. Бу соҳадаги халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда харажатлар ҳисоби ҳақидаги маълумотларни корхона қуйидаги ҳолатда шакллантириши керак пайдо бўлиш жойлари бўйича ҳисобга олиш;

- харажатлар ҳисобини жавобгарлик ҳўжалик марказлари бўйича ташкил қилиш;

- харажатларни уларни пайдо қилган объектлари ёки уларни ташувчилари, яъни алоҳида маҳсулот турлари бўйича жамлаб бериш.

Бу вазифалар бошқарув ҳисобининг асосий вазифасини бажаришга имкон беради. Масалан, харажатларни уларнинг пайдо булиш жойлари ва жавобгарлик ҳўжалик марказлари бўйича ҳисобга олиш энг муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон яратади.

Демак, харажатларни ҳисобга олишнинг қуйидаги вазифаларини ҳам санаб ўтишимиз керак:

- алоҳида ишлаб чиқариш жараёнлари ёки бўлинмалари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилиш ва улар устидан назоратни таъминлаш;

- алоҳида маҳсулот турлари бўйича асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги маълумотни шакллантириб бериш;

- корхонанинг ишлаб чиқаришдан ташқари барча бошқарув харажатларининг таҳлилий маълумотларини йиғиб бериш.

Бу вазифалардан кўриниб турибдики, ҳисоб ва таҳлил бошқарув ҳисобининг бир-бири билан боғланган чамбарчас икки томони экан. Зеро маҳсулот баҳосининг аниқлаш учун ҳам таннархни ҳисоблашиш талаб этилади.

Хар бир корхона ёки бирлашмада ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш маҳсулот таннархини тўғри калькуляция қилишнинг ташкил этиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

- аввалдан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган технология режасининг бўлиши;

- омбор ҳўжалигининг тўғри ташкил қилиниши ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур ўлчов асбоблари ва мосламалар билан таъминланган бўлиши;

- ишлаб чиқариш харажати аналитик ҳисобварағи;

- калькуляция объектлари ҳамда калькуляция бирлигини аниқлаш;

- калькуляция моддалари, комплекс харажатлар моддалари номенклатурасини ишлаб чиқиш;

- комплекс харажат моддаларини калькуляция объектлари ўртасида тақсимлаш усулини танлаш ва ҳоказолар.

Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашда қуйидаги қоидалар асос бўлиб хизмат қилади:

- корхонадаги барча харажатларни уларнинг аҳамиятидан, яъни унумли ҳоказолардан катъий назар тўлалигича ҳисобга олиш;

- харажатларни корхонадаги фаолият соҳалари бўйича алоҳида ҳисобга олиш зарурдир.

Харажатларни туркумлаш. Харажатлар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби вазибаларидан келиб чиқиб қуйидаги элементлар бўйича гуруҳланади: Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг гуруҳланиши.

Гуруҳланиш тури	Харажат турлари
Ишлаб чиқариш жараёнидаги иқтисодий ўрнига қараб	Асосий ва доимий
Таркибига қараб	Комплекс ва бир элементли
Таннархга ўтказиш усулига қараб	Тўғри ва эгри
Ишлаб чиқариш ҳажмига қараб	Ўзгарувчан ва ўзгармас
Юзага келишига қараб	Доимий ва бир вақтли
Ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишига қараб	Ишлаб чиқариш ва тижорат
Самарадорликка қараб	Самарали ва самарасиз

Харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикасида «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомда белгилаб қуйилган. Ушбу Низомга мувофиқ харажатлар икки турга бўлинади;

- 1) маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар;
- 2) маҳсулот таннархига киритилмайдиган харажатлар.

Бундан ташқари, молиявий фаолият бўйича ҳамда фавқулодда харажатлар алоҳида ҳисобга олинади.

Юкоридагилардан келиб чиқиб харажатлар қуйидагича гуруҳланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

- а) бевосита ва билвосита материал харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари;
- в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Бевосита харажатлар деб, маҳсулотнинг айрим турлари таннархига тўғридан-тўғри, бевосита ўтказиладиган харажатларга айтилади.

Билвосита, яъни эгри харажатлар деб, ҳисобот оий давомида йигиб-тақсимловчи ҳисобварақларда ҳисобга олиниб, таннархни калькуляция қилишда, маҳсулотнинг айрим турлари таннархига бирон-бир кўрсаткичга мутаносиб равишда тақсимлаш йули билан ўтказиладиган харажатларга айтилади.

2. Давр харажатлари (операцион харажатлар):

- а) маҳсулот сотиш харажатлари;
- б) маъмурий - бошқарув харажатлари;
- в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- а) фоизларни тўлаш бўйича харажатлар;
- б) хорижий валюта билан операциялар бўйича курслардаги салбий фарқлар;
- в) қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш натижасидаги зарарлар;

- г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар;

4. Фавқулодда харажатлар даромад (фойда)дан олинadиган солиқ тулагунга кадар ойда ва зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади.

Юқоридаги харажатлар иқтисодий мазмунга кўра қуйидаги элементлар билан гурҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлар (кайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқаришнинг мураккаблиги ҳамда харажатларнинг хилма-хиллиги уларни ҳисобга олишда бутун бир гуруҳ ҳисобварақдан қўлланилишини тақозо этади. 21- сон Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига мувофиқ харажатларни ҳисобга олишда қуйидаги ҳисобварақларни қўллаш белгилаб қўйилган.

2000 Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар

2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

2300 Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

2500 Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»

2600 Ишлаб чиқаришдаги яроксиз маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар

2610 «Ишлаб чиқаришдаги яроксиз маҳсулот»

2700 Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харжатларини ҳисобга олувчи счётлар

2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» харажатларини ҳисобга олувчи счётлар

8900 Келгусидаги харажатлар ва тўловлар резервлари бўйича счётлар

8910 «Келгусидаги харажатлар ва тўловлар резервлари»

Элементлар ва калькуляция моддалари бўйича харажатлар ҳисобини таъминлаш у ҳамма харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича 2010 счётларда гуруҳланади. **2010 «Асосий ишлаб чиқариш»** счёти асосий ишлаб чиқаришга, мазкур корхонани ташкил этишдан маҳсулот (ишлар ва хизматлар) акс этиштириш мақсадида бўлган ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобварағи асосий ишлаб чиқариш ёки корхонанинг асосий фаолияти учун ёрдамчи бўлган ишлаб чиқаришлар харажатлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган, Ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулот ва хизматлари цех ҳамда завод бўлимлари томонидан ишлатилади. Шунинг учун ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулот ва хизмат таннари ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш харажатлари таркибига киритилади.

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» ҳисобварағи корхонанинг асосий ёрдамчи ишлаб чиқаришларига хизмат кўрсатиш бўйича харажатлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун тайинланган.

2610 «Ишлаб чиқаришдаги яроксиз маҳсулот» ҳисобварағи ишлаб чиқаришда браклар кўрилган зарарлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

2710«Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» ҳисобварағида корхонанинг хизмат кўрсатувчи хўжаликлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар ҳисоби амалга оширилади.

3110«Келгуси давр харажатлари» ҳисобварағи мазкур ҳисобот даврида қилинган аммо келгуси ҳисобот даврига тегишли бўлган харажатлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

Ушбу ҳисобварақ таркибига қуйидагилар киради: телефон учун олдиндан туланган абонент тўлови, ижара тўлови, рўзнома ва ойномаларга обуна қиймати ва бошқалар ҳисобварақ актив булиб иқтисодий тарафдан хўжалик жараёнининг ҳолатини кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар.

Шу даврнинг ўзида таннархни бошқариш қисмининг ишлаб чиқариш эҳтиёжи келган давр харажатлари ҳамда тўловлари учун резерв маблағларини ташкил этилишини талаб этади. Шунинг учун яна бир **8910«Келгусидаги харажатлари ва тўловлар резервлари счёти** керакдир. Ушбу ҳисобварақ ишлаб чиқариш ёки муомала сарфларига харажатлар ва тўловларни бир меъёردа қўшиш мақсадида белгиланган тартибда резерв қилинган суммаларнинг ҳолати ҳамда ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайёрланган, ҳисобварақ пассив булиб, хўжалик жараёнининг ҳолатини тавсифлайди. Уни юргизиш учун эса Молия Вазирлигининг рухсати керакдир.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Абдрасулова Ж. (2005) *Бухгалтерский учет в туризме и гостиничном бизнесе. Учебно-практическое пособие.* Караганда, –105 с

Абдуллаев О. Исмоилов Р. (2001) *Кичик ва ўрта бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма.* – Наманган. – 13-14-б.

Бургонова Г.Н., Каморджанова Н.А. (1998) *Бухгалтерский учет и отчетность в туризме. Учебное пособие* –М.: НОЛИДЖ, - 272 с

Герасимова А., Скапенкер М. (1996) *Туристический бизнес: особенности бухучета и налогообложения.* // Ж. Экономика и жизнь, № 14.

Мусаев Х.Н. (2003) *Аудит. Дарслик.* – Т.: “Молия”. – 9-б.

Тошматов Ш.А. (2008) *Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли.* – Т.: «Fan va texnologiya», – 16-б.